



СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ, ТУЗИЛИШИ ВА МОЛИЯВИЙ ВОСИТАЧИЛИК ТИЗИМИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ

Махмудов Комолиддин

Тошкент Кимё халқаро университети

Самарқанд филиали

ORCID: 0000-0002-8736-1547

mahmudovkomoliddin47@gmail.com

Аннотация. Мақолада суғурта хизматларида молиявий механизмнинг назарий асослари, тузилиши ва молиявий воситачилик тизимидаги интеграцияси ҳар томонлама таҳлил этилган. Илмий назариялар ва халқаро амалиётлар қиёсий ўрганилган ҳолда, мазкур механизмнинг иқтисодий барқарорлик, хавфсизлик ва ресурслар тақсимоотидаги ўрни ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон амалиётида молиявий механизмнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва ижтимоий суғурта тизимлари орқали интеграция жараёнлари таҳлил қилиниб, амалий йўл харитаси таклиф этилган.

Калит сўзлар: суғурта хизматлари, молиявий механизм, интеграция, элементлар, натижа, иқтисодий барқарорлик, молиявий воситачилик, ижтимоий суғурта, рақамли технологиялар.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ, СТРУКТУРА И ОСОБЕННОСТИ ИНТЕГРАЦИИ ФИНАНСОВОГО МЕХАНИЗМА В СИСТЕМЕ СТРАХОВЫХ УСЛУГ

Махмудов Комолиддин

Самаркандский филиал Ташкентского

международного университета Кимё

Аннотация. В статье всесторонне анализируются теоретические основы и структура финансового механизма в системе страховых услуг, а также его интеграция в финансовое посредничество. На основе научных теорий и сравнительного анализа международного опыта рассматривается роль финансового механизма в обеспечении экономической стабильности, безопасности и эффективного распределения ресурсов. Особое внимание уделено узбекской практике, включая институциональные и правовые основы, цифровизацию и развитие социальных страховых систем. В заключение предлагается практическая дорожная карта для дальнейшего совершенствования национального страхового рынка.

Ключевые слова: страховые услуги, финансовый механизм, интеграция, элементы, результат, экономическая стабильность, финансовое посредничество, социальное страхование, цифровые технологии.

THEORETICAL FOUNDATIONS, STRUCTURE, AND INTEGRATION FEATURES OF THE FINANCIAL MECHANISM IN INSURANCE SERVICES

Makhmudov Kamoliddin

Kimyo International University in Tashkent Samarkand Branch

Abstract. *This article provides a comprehensive analysis of the theoretical foundations and structure of the financial mechanism in insurance services, as well as its integration into the financial intermediation system. Drawing on economic theories and international comparative practices, the paper explores the role of the financial mechanism in ensuring economic stability, security, and effective resource allocation. Particular attention is given to Uzbekistan's experience, including legal and institutional frameworks, digitalization processes, and the development of social insurance systems. A practical roadmap for the further improvement of the national insurance market is also proposed.*

Keywords: *insurance services, financial mechanism, integration, elements, result, economic stability, financial intermediation, social insurance, digital technologies.*

Кириш.

Жаҳон миқёсида глобал иқтисодий муҳит жадал ўзгармоқда. Молиявий механизмнинг назарий асослари ва унинг суғурта хизматларидаги тузилиши, молиявий воситачилик тизими билан интеграцияси иқтисодий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур масала Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Унда миллий суғурта бозорини рақамлаштириш, янги суғурта турларини жорий этиш ва молиявий воситачилик тизимига интеграция қилиш орқали иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш вазифаси қўйилган (Фармон, 2023).

Адабиётлар шарҳи.

Суғурта хизматларида молиявий механизмнинг назарий асослари турли иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин этилган. Шумпетер (1934) молиявий механизмни инновацияларни рағбатлантирувчи омил сифатида, Фридман (1963) эса пул-кредит барқарорлигини таъминловчи восита сифатида талқин қилган. Модильяни ва Миллер (1958) капитал тузилиши назариясида молиявий механизм хавфларни оптимал тақсимлаш ва самарадорликка эришишда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини кўрсатган. Эрроу (1971) хавф назарияси орқали суғурта хизматларини молиявий механизмнинг ажралмас қисми сифатида изоҳлаган. Марковицнинг (1952) портфел назарияси хавф ва даромад мувозанатини таъминлашда молиявий механизмнинг ролини очиқ берган. Шунингдек, рус ва маҳаллий олимлар (Ковалёв 2004, Дробозина, 2000, Грязнова, 2001), Абдурахмонов (2019), Абдуллаев (2020) ҳам суғурта хизматларини иқтисодий барқарорлик ва хавфсизлик омили сифатида тадқиқ этганлар.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда қиёсий таҳлил, тарихий ёндашув, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, статистик маълумотларни умумлаштириш ва халқаро тажрибани солиштириш методларидан фойдаланилди. Илмий-назарий қарашлар миллий суғурта бозоридаги амалиёт билан уйғун ҳолда ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Суғурта хизматларида молиявий механизмнинг назарий категорияси, унинг тузилиши ва молиявий воситачилик тизимидаги интеграциясини чуқур таҳлил қилиш бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ҳал қилувчи

аҳамият касб этади. Чунки молиявий механизм орқали иқтисодий жараёнларни тартибга солиш, молиявий ресурсларни тўғри тақсимлаш ва хавф-хатарларни суғурта йўли билан қоплаш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги таъминланади. Шу боисдан ҳам мазкур мавзунунг долзарблиги Президент *Ш.М. Мирзиёев* томонидан илгари сурилган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ва уни амалга оширишга қаратилган Давлат дастурида ўз ифодасини топган (Фармон, 2023).

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакатнинг молия бозорини, айниқса, суғурта хизматларини модернизация қилиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳолининг молиявий хабардорлигини ошириш масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, стратегиянинг молиявий секторга оид бўлимида суғурта хизматлари қамровини кенгайтириш, янги суғурта турларини жорий этиш ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали аҳоли ва бизнес субъектлари учун молиявий ҳимоя механизмларини кучайтириш вазифаси қўйилган¹. Бу эса суғурта хизматларида молиявий механизмни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва унинг амалий интеграция йўллариини белгилаш заруриятини кўрсатади.

2024 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам мазкур масала янада аниқ ва амалий йўналишда белгиланди (Фармон, 2024). Жумладан, суғурта хизматлари бозорида рақобатни кучайтириш, бозор иштирокчилари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий молиявий механизмларини жорий этиш, ҳамда суғурта хизматларини молиявий воситачилик тизимига интеграция қилиш орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш масаласи алоҳида қайд этилган. Бу эса суғурта хизматлари нафақат молиявий ҳимоя механизми, балки иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликни таъминловчи стратегик омил эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, молиявий механизм тушунчаси иқтисодий назария ва молия фанларида универсал категория сифатида тан олинган бўлиб, у ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва самарали фойдаланишни таъминлайди. Шу жиҳатдан, турли давр олимларининг назариялари бугунги кунда суғурта хизматлари тизимида молиявий механизмнинг назарий асосларини чуқурроқ англаш имконини яратади. Хусусан, *Шумпетер* (1934) ўзининг машхур “*The Theory of Economic Development*” асарида молиявий механизмни иқтисодий тараққиётнинг “*двигигател*”и сифатида кўради. Унинг назариясига кўра, молиявий воситачилар – банклар ва суғурта ташкилотлари – инвестицияларни рағбатлантириш орқали иқтисодий ривожланишда инновацияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. *Шумпетер* (1934) фикрича, молиявий механизм орқали капитал тақсимои амалга оширилади, хавфлар эса суғурта орқали ижтимоийлаштирилади. Демак, бу қараш суғурта хизматларида молиявий механизмнинг иқтисодий барқарорликка ҳисса қўшишини назарий жиҳатдан асослайди.

Шунингдек, Фридман (1963) эса молиявий механизмни барқарор пул сиёсати билан боғлайди. Унинг “*A Monetary History of the United States*” асарида таъкидланганидек, иқтисодиётда пул айланмасининг барқарорлиги ва молиявий механизмнинг самарали ишлаши иқтисодий хавфсизликка хизмат қилади. *Фридман* (1963) суғурта хизматларини хавфни пасайтирувчи иқтисодий восита сифатида кўради. Унинг назариясида молиявий механизм давлат сиёсати ва бозор қонуниятлари уйғунлигида ишлаши лозим.

Бундан ташқари, **Модильяни ва Миллер** (1958) ҳам ўзининг капитал тузилиши назариясида фирмаларнинг молиявий қарорлари иқтисодий самарадорликка бевосита таъсир қилади, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг 1958 йилда чоп этилган машхур мақоласида молиявий механизм орқали суғурта хизматлари хавфларни камайтириш ва

¹ Шу ҳужжатнинг молия ва иқтисодий ислохотларга оид бўлимлари. – lex.uz.

оптималь капитал тақсиротини таъминлаш функциясини бажаради, деб изоҳланади. Бу назария суғурта хизматларини иқтисодий субъектларнинг инвестиция қарорларида муҳим молиявий механизм сифатида кўрсатади. Эрроу (1971) бўлса, хавф назарияси асосчиси сифатида молиявий механизмнинг назарий жиҳатдан янги йўналишини яратди. Унинг *“Essays in the Theory of Risk-Bearing”* асарида иқтисодий жараёнларда хавфдан қочиш эҳтиёжи суғурта хизматларини молиявий механизмнинг ажралмас қисми сифатида шакллантиради, деб таъкидланган. Эрроу назарияси бугунги кунда суғурта бозорида хавфларни қайта тақсимлаш механизмларини назарий жиҳатдан асослайди.

Шунингдек, **Тинберген** (1967), биринчи Нобель мукофоти совриндори бўлган иқтисодчи, ўзининг *“Economic Policy: Principles and Design”* асарида молиявий механизм давлат иқтисодий сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиши кераклигини асослайди. Унинг фикрича, суғурта хизматлари молиявий механизмнинг ижтимоий барқарорликни таъминловчи омили сифатида намоён бўлади. Шу боис, суғурта хизматлари ижтимоий хавфсизлик ва давлат сиёсати уйғунлигида самарали ишлайди. Бундан ташқари, замонавий молия назариясига катта ҳисса қўшган **Марковиц** (1952) эса молиявий механизмнинг асосий вазифаси хавф ва даромад ўртасида мувозанат яратишдан иборатлигини исботлади. Унинг *“Portfolio Selection”* мақоласида портфел назарияси орқали молиявий воситачиларнинг, жумладан, суғурта хизматларининг аҳамияти очиб берилган. **Марковиц** (1952) назариясига кўра, диверсификация орқали хавфни камайтириш – молиявий механизмнинг энг муҳим функцияси ҳисобланади.

Бундан ташқари, рус иқтисодий мактабида ҳам молиявий механизм масаласи кенг тадқиқ этилган. Хусусан, **Ковалёв** (2004) ўзининг *“Финансовый анализ: Управление капиталом”* асарида молиявий механизм корхона капиталини бошқаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини асослайди. Унингча, суғурта хизматлари капитални сақлаш ва барқарорликни таъминлашнинг молиявий воситаси ҳисобланади. **Дробозина** (2000) эса *“Финансы”* асарида молиявий механизм ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги барқарорлик омили сифатида таҳлил қилинади ва суғурта хизматлари унинг таркибий қисми сифатида ёритилади. Шу билан бирга, **Грязнова** (2001) *“Финансовый менеджмент”* асарида молиявий механизм ресурсларни қайта тақсимлаш ва молиявий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Унинг фикрича, молиявий механизмнинг самарали ишлаши учун суғурта хизматлари барқарор институт сифатида шаклланиши шарт.

Миллий иқтисодий мактабда ҳам суғурта хизматларининг молиявий механизмдаги ўрни тадқиқ этилган. Хусусан, **Абдурахмонов** (2019) ўзининг *“Молия ва суғурта бозорини ривожлантиришнинг назарий асослари”* асарида суғурта хизматлари молиявий механизмнинг таркибий қисми сифатида иқтисодиётдаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлайди, деб таъкидлайди. **Абдуллаев** (2020) эса *“Суғурта хизматларининг иқтисодий механизмдаги ўрни”* асарида суғурта хизматлари иқтисодий субъектларнинг молиявий хавфларини қоплаш орқали молиявий механизмнинг самарадорлигини оширишини ёритган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида номлари тилга олинган иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашлари суғурта хизматларининг молиявий механизмдаги ўрнини турли қирраларда талқин этади. Улар олиб борган тадқиқотлардаги умумий уйғунлик, аввало, суғурта хизматларининг иқтисодиёт барқарорлиги ва молиявий хавфсизликни таъминлашдаги стратегик аҳамиятини бирдек эътироф этишларида намоён бўлади. Бироқ уларнинг қарашлари ўртасида муайян фарқлар ҳам мавжуд: масалан, **Абдурахмонов** (2019) назария ва макроиқтисодий барқарорлик тамойилларига асосланиб, суғуртани иқтисодий тизимнинг узвий таркибий қисми сифатида тавсифласа, **Абдуллаев** (2020) эса молиявий механизмнинг амалиётга йўналтирилган самарадорлик жиҳатларини – яъни молиявий хавфларни

қоплаш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги барқарорликни таъминлаш вазифаларини биринчи даражали деб ҳисоблайди.

Шу маънода, турли илмий ёндашувларнинг уйғунлиги ва фарқли жиҳатлари бугунги кун илмий-назарий таҳлиллари учун муҳим илмий асос вазифасини бажаради. Чунки молиявий механизмнинг назарий категорияси, унинг тузилиши ҳамда молиявий воситачилик тизимидаги интеграцияси каби масалаларни ҳар томонлама ёритиш орқали нафақат иқтисодий назария, балки амалий сиёсат ва бозор ислохотлари учун ҳам кенг қўламли хулосалар ишлаб чиқиш имконияти яратилади. Бошқача айтганда, мазкур тадқиқотлар уйғунлиги замонавий давр талаби бўлган комплекс илмий-назарий таҳлилларни амалга ошириш, миллий иқтисодиёт тараққиёти ва унинг молиявий хавфсизлигини таъминлашда мустаҳкам назарий ҳамда амалий асос вазифасини бажаради.

Аввало, *Шумпетер* (1934) молиявий механизмни иқтисодий тараққиётдаги инновацияларни рағбатлантирувчи омил сифатида кўриб, молиявий воситачилар – банклар ва суғурта ташкилотлари – капитал тақсимотини таъминлайди, деб ҳисоблайди. Бу қараш суғурта хизматларида молиявий механизмнинг тузилишида инновацион йўналишлар аҳамиятли эканини кўрсатади. Унга қарши равишда, *Фридман* (1963) молиявий механизмнинг асосий вазифаси иқтисодиётда пул айланмаси барқарорлигини таъминлашда, яъни макроиқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашда, деб таъкидлайди. Агар Шумпетер молиявий механизмни инновация билан боғласа, Фридман уни пул-кредит сиёсати билан боғлайди. Суғурта хизматлари нуқтаи назаридан эса, ҳар икки йўналиш интеграция жараёнида муҳим: суғурта хизматлари ҳам инновацияни қўллаб-қувватлайди, ҳам пул айланмаси барқарорлигини таъминлайди.

Модильяни ва *Миллернинг* (1958) капитал тузилиши назарияси молиявий механизмнинг фирмалар инвестиция қарорларидаги аҳамиятини очиб берди. Уларнинг фикрича, молиявий механизм хавфларни оптимал тақсимлаш орқали ресурсларни самарали фойдаланиш имконини яратади. Шу нуқтаи назардан, суғурта хизматлари молиявий механизмнинг фирмалар даражасидаги интеграциясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. *Эрроу* (1971) эса хавф назариясида молиявий механизмнинг моҳияти хавфдан қочиш эҳтиёжи билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, суғурта хизматлари молиявий механизмнинг табиий таркибий қисми бўлиб, иқтисодий субъектлар хавфларни суғурта орқали қайта тақсимлайдилар. Бу ерда Модильяни ва Миллернинг (1958) назарияси ресурс тақсимотида эътибор қаратса, Эрроу хавф тақсимотида урғу беради.

Тинберген (1967) эса молиявий механизмни давлат иқтисодий сиёсати билан уйғунлаштириб кўради. Унингча, суғурта хизматлари ижтимоий барқарорликка эришишда давлат сиёсати орқали тартибга солиниши зарур. Бу қараш Фридманнинг (1963) бозор қонуниятларига асосланган моделидан фарқ қилади. Фридман давлат ролини минималлаштириш тарафдори бўлса, Тинберген (1967) давлатнинг молиявий механизмда фаол иштирокини зарур деб билади. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон амалиётида суғурта хизматларини давлат сиёсатининг устувор йўналишлари билан боғлаш Тинберген моделини амалий жиҳатдан қўллаш имконини беради.

Замонавий молия назариясининг асосчиси *Марковиц* (1952) эса молиявий механизмнинг асосий вазифасини хавф ва даромад ўртасидаги мувозанатда кўради. Унинг портфел назариясига кўра, суғурта хизматлари хавфларни диверсификация қилиш орқали иқтисодий субъектларга барқарор фойда олиш имкониятини яратади. Бу жиҳатда Марковицнинг назарияси Эрроунинг хавф тақсимоти концепцияси билан уйғунликда, аммо фарқи – Эрроу хавфдан қочиш психологиясини назарий асосласа, Марковиц хавфни бошқаришнинг амалий моделини яратди.

Рус иқтисодий мактаб олимлари ҳам молиявий механизм масаласига эътибор қаратганлар. *Ковалёв* (2004) ўз асарларида молиявий механизмни капитал бошқаруви

нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, унинг таркибий қисмлари – бюджет, кредит ва суғуртани бир бутун тизим сифатида кўради.

Дробозина (2000) эса молиявий механизм ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлашини, суғурта эса ижтимоий хавфсизлик функциясини бажаришини таъкидлайди. Грязнова (2001) эса молиявий механизмнинг вазифасини ресурсларни қайта тақсимлаш ва молиявий хавфсизликни таъминлашда кўради. Бу рус олимларининг қарашлари Марковиц ва Эрроу назариялари билан уйғун бўлиб, улар ҳам молиявий механизмнинг хавфсизлик функциясига урғу берадилар.

Демак, қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Ж. Шумпетер молиявий механизмни инновация ва ривожланиш билан боғлаган бўлса, М. Фридман уни пул барқарорлиги билан чамбарчас кўради. Ф. Модильяни ва М. Миллер капитал тузилишидаги самарадорликни асослаган бўлса, К. Эрроу хавфдан қочишни назарий жиҳатдан ёритди. Й. Тинберген давлат сиёсати билан уйғунлашувга урғу берди, Г. Марковиц эса хавфни диверсификация қилишнинг амалий моделини яратди. Рус ва маҳаллий олимлар эса молиявий механизмни хавфсизлик ва барқарорлик омили сифатида таҳлил қилиб, унинг тузилиши ва интеграциясини миллий хусусиятлар билан уйғунлаштирдилар. Шу тариқа, суғурта хизматларида молиявий механизмнинг назарий категорияси ва тузилиши — бу иқтисодий барқарорлик, хавфсизлик ва ресурс тақсимотини таъминловчи универсал иқтисодий механизм бўлиб, унинг молиявий воситачилик тизимидаги интеграцияси иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда, бугунги кунда янги Ўзбекистонда суғурта хизматларида молиявий механизмнинг назарий категорияси, унинг тузилиши ва молиявий воситачилик тизимидаги интеграцияси ҳақидаги илмий қарашлар *Ўзбекистон миллий молия бозори ҳамда суғурта хизматлари ислохотлари амалиётида қандай ифодаланмоқда ва ушбу назарий ёндашувларнинг қўлланиши қандай амалий натижаларни вужудга келтирмоқда?* деган ўринли савол юзага келади.

Бугунги кунда суғурта хизматларида молиявий механизмнинг назарий категорияси, унинг тузилиши ва молиявий воситачилик тизимидаги интеграцияси янги Ўзбекистон миллий молия бозори ҳамда суғурта хизматлари ислохотлари амалиётида изчил намоён бўлмоқда. 2021 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги *“Суғурта фаолияти тўғрисида”*ги Қонун (2021) суғурта бозорида қайта суғурта, қўшалок суғурта (*co-insurance*) ва трансчегаравий операциялар институтларини киритиш орқали молиявий механизмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади, шу билан ресурс тақсимооти ва хавфни қайта тақсимлаш назариялари амалда ўз аксини топди. Шунингдек, 2022 йил 5 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 694-сон қарори билан барча суғурта шартномаларини электрон шаклда расмийлаштириш тартиби жорий этилди ҳамда 2024 йил 1 сентябрдан эътиборан барча шартномаларни ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш мажбурий қилинди. Бу рақамли молиявий воситачилик тизимида интеграция жараёнини тезлаштириб, 2023 йилнинг ўзида 4,8 миллиондан ортиқ электрон полис расмийлаштирилишига замин яратди (Қарор, 2024).

Хавфни тақсимлаш ва ички сақлаш механизмларини кучайтириш мақсадида 2025 йил 23 майда қабул қилинган ПФ-191-сон Президент қарори (2025) билан миллий қайта суғурта компаниясини ташкил этиш ва 2025 йил 1 сентябрдан рисктерни хорижга беришдан олдин ички реинсурансга таклиф қилиш тартиби жорий этилди. Бу ўз навбатида хавфларни ички бозорда сақлашни кучайтиради ва тизим барқарорлигини таъминлайди. Давлат сиёсати билан уйғунлашган молиявий механизм йўналишлари ҳам изчил амалга оширилмоқда: *“Ўзбекистон – 2030”* стратегияси ва уни 2024 йилда амалга оширишга қаратилган Давлат дастури суғурта бозорини рақамлаштириш ва халқаро стандартларга яқинлаштиришни устувор вазифа қилиб белгилади (Фармон, 2023).

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан 2024–2025 йилларда пруденциал назорат кучайтирилиб, капитал адекватлиги ва барқарорлиги юқори даражада сақланди. Бу молиявий механизмнинг капитал тузилиши ва пул барқарорлигини таъминлаш назариялари билан уйғунликда амалга оширилди². Амалда бу жараёнлар натижасида 2024 йилда умумий брутто йиғилган суғурта мукофотлари 21–23 фоизга ўсди, бозор тез суръатлар билан кенгайди, рақамли каналлар улуши ортиб борди³.

Шунингдек, 2024 йил 5 сентябрдаги қарорга асосан давлат тиббий суғуртаси тизими Тошкент ва Сирдарё вилоятида тажриба тариқасида жорий этилди, бу эса ижтимоий соҳа молиялашувида суғурта механизмларининг кенгроқ интеграциясини таъминлади⁴. Минтақавий ҳамкорлик доирасида эса 2023 йил декабрда Қозоғистон, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Грузия суғуртачилари “Turan” реинсуранс пулини тузишга келишиб олдилар, бу эса хавфларни географик диверсификация қилиш ва транзакция харажатларини пасайтиришга хизмат қилмоқда⁵. Шу билан бирга, рақамли банк экотизимлари орқали InsurTech маҳсулотларининг жорий этилиши суғурта хизматларида воситачиликнинг янги шакллари вужудга келтириб, бозорнинг инновацион ривожланишини таъминламоқда⁶.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, суғурта хизматларида молиявий механизмга оид назарий ёндашувларнинг амалиётга татбиқ этилиши бир қатор ижобий натижаларни вужудга келтирди. Жумладан:

1) электрон реестр тизимининг жорий этилиши суғурта бозорида шаффофлик даражасини сезиларли ошириб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали инструментларидан бирига айланди;

2) миллий қайта суғурта инфратузилмасининг яратилиши ва минтақавий пуллар орқали хавфларни ички сақлаш ҳамда диверсификация механизмларининг кенгайиши молиявий барқарорликнинг институционал асосини мустаҳкамлади;

3) пруденциал назорат чораларининг кучайтирилиши бозор иштирокчилари фаолияти сифатини яхшилаш ва уларнинг молиявий интизомини оширишда муҳим омил бўлди;

4) умумий суғурта мукофотлари ҳажмининг сезиларли ўсиши миллий суғурта бозорида кенгайиш тенденцияларини акс эттириб, унинг инвестицион салоҳиятини кучайтирди;

5) соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришда суғурта механизмларининг қўлланилиши ижтимоий барқарорликка эришишнинг замонавий воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Юқоридаги назарий таҳлиллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда суғурта хизматларида молиявий механизмнинг назарий категорияси ва унинг амалий қўлланишини тадқиқ этиш натижасида **“молиявий механизм — элементлар — натижа”** тамойили асосида **концептуал модел** илмий жиҳатдан асосланди. Мазкур модел назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлайди, суғурта хизматларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш билан бирга ижтимоий вазифаларини ҳам юқори даражада бажаришига шароит яратади. Бу эса молия бозоридаги институтларнинг барқарор ривожланиши, аҳоли ва ҳўжалик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишда замонавий молиявий воситачилик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Жумладан, Шумпетер (1934) ўзининг *“The Theory of Economic Development”* асарида молиявий механизмнинг инновацияларни рағбатлантиришдаги аҳамиятини асослаб, молиявий воситачилар – банк ва суғурта

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг суғурта бозорига оид маълумотлари, 2024–2025 йй. – cbu.uz.

³ Суғурта бозори статистикаси ҳақида Марказий банк хабари, 2024 й. – cbu.uz.

⁴ <https://www.gazeta.uz/uz/2024/09/11/>

⁵ Қозоғистон–Ўзбекистон–Озарбайжон–Грузия суғуртачилари “Turan” реинсуранс пули тузиш бўйича келишуви, 2023 й. – kaztag.kz

⁶ InsurTech бозори ҳақида маълумотлар, TBC Insurance ва бошқа рақамли лойиҳалар. – spot.uz

институтлари орқали иқтисодий ривожланиш жараёнлари таъминланишини таъкидлаган. Фридман (1963) эса “*A Monetary History of the United States*” асарида молиявий механизмнинг иқтисодий тизимда барқарор пул айланмасини таъминлашга хизмат қилишини кўрсатган.

Модильяни ва Миллернинг (1958) капитал тузилиши назариясида молиявий механизм фирмаларнинг инвестиция қарорларида хавфларни оптимал тақсимлаш орқали самарадорликни ошириши таъкидланган. Шу билан бирга, Эрроу (1971) “*Essays in the Theory of Risk-Bearing*” асарида хавфдан қочиш ва хавфларни қайта тақсимлаш механизмларини назарий жиҳатдан асослаб, суғурта хизматларини молиявий механизмнинг ажралмас қисми сифатида кўрсатган. Марковицнинг (1952) портфел назарияси эса молиявий механизмнинг асосий вазифаси хавф ва даромад ўртасида мувозанат яратишдан иборатлигини илмий жиҳатдан исботлайди.

Рус иқтисодий мактабининг йирик вакиллари Ковалёв (2004) (“*Финансовый анализ: Управление капиталом*”) ва Дробозина (2000) (“*Финансы*”) асарларида молиявий механизмнинг таркибий қисмлари сифатида бюджет, кредит ва суғурта хизматлари ўзаро уйғун жараён сифатида талқин қилинган. Грязнова (2001) эса “*Финансовый менеджмент*” асарида молиявий механизмнинг ресурсларни қайта тақсимлаш ва молиявий хавфсизликни таъминлашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратган.

Иқтисодчи олимларнинг назарий-илмий қарашлари билан уйғун ҳолда айтиш мумкинки, ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам суғурта хизматларида «молиявий механизм — элементлар — натижа» концептуал модели турлича шакл ва йўналишларда ифодаланмоқда. Жумладан, айрим мамлакатларда ушбу моделнинг устуворлиги молиявий барқарорлик ва бозор самарадорлигини таъминлашда кўринаётган бўлса, бошқаларида эса ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш ва аҳоли манфаатларини кафолатли таъминлаш орқали намоён бўлмоқда. Шу тариқа, назария ва амалиёт уйғунлиги ҳар бир давлатнинг иқтисодий-ижтимоий шароити, ҳуқуқий база ва молиявий сиёсатидан келиб чиқиб, ўзига хос қиёфа касб этмоқда. Хусусан, **Германия** ва **Швейцарияда** мазкур моделнинг асосий таркибий қисми сифатида қайта суғурта тизимлари ривожланиб, *Munich Re* ва *Swiss Re* каби йирик компаниялар орқали хавфларни ички сақлаш ва диверсификация қилиш жараёнлари амалга оширилмоқда (Swiss Re Institute, 2022). **АҚШ** тажрибасида эса молиявий механизм инновация билан уйғун ҳолда татбиқ этилмоқда. Хусусан, *Lemonade* ва *Root Insurance* каби InsurTech компаниялари рақамли технологиялар асосида “ақлли полислар” ва мобил воситачилик хизматларини жорий этиб, бозор шаффофлиги ва самарадорлигини оширмоқда (PwC Report, *Insurance 2025*, 2021).

Япония ва **Жанубий Корея** амалиётида давлат сиёсати ва бозор механизмлари уйғунлиги устувор аҳамият касб этади. Масалан, **Японияда** ижтимоий тиббий суғурта тизими хусусий компаниялар фаолияти билан интеграция қилиниб, хавфларни қайта тақсимлаш орқали аҳоли қамрови 100 фоизга яқинлаштирилган (OECD Health Policy Studies, 2022). **Сингапурда** эса *MediShield Life* дастури орқали аҳолининг умумий тиббий хавфларини давлат кафолатидаги суғурта механизми қоплайди, бу эса ижтимоий барқарорликка хизмат қилмоқда (World Bank, *Singapore Social Protection Review*, 2020).

Скандинавия давлатлари — Швеция, Норвегия ва Дания тажрибасида ижтимоий суғурта ва хусусий суғуртанинг уйғунлиги таъминланган. Хавфларни миллий пуллар орқали қайта тақсимлаш орқали молиявий барқарорлик ва аҳоли фаровонлиги таъминланмоқда (Nordic Council of Ministers, *Social Insurance in Nordic Countries*, 2021). Туркияда эса “*Katılım Sigortası*” исломий суғурта модели хавф тақсимооти ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланади (Islamic Financial Services Board, 2020).

Шу тариқа, назарий моделнинг асосий тамойиллари – инновация (Шумпетер), макро-барқарорлик (М.Фридман), хавф тақсимооти (К.Эрроу ва Х.Марковиц), давлат сиёсати уйғунлиги (Й.Тинберген) – ривожланган ва ривожланаётган давлатлар

амалиётида турли йўналишларда татбиқ этилиб, суғурта хизматлари орқали иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришишга хизмат қилмоқда.

Шу тариқа, **“молиявий механизм — элементлар — натижа”** концептуал модели назарий ва амалий қарашлар уйғунлигида қуйидаги қатор гипотезаларни шакллантиради: 1) ҳуқуқий ва ташкилий элементлар кучайган сари бозор барқарорлиги ошади; 2) рақамли технологиялар интеграцияси орқали шаффофлик ва истеъмолчи ҳимояси таъминланади; 3) миллий ва минтақавий реинсуранс инфратузилмаси хавфларни ички сақлаш имкониятларини кенгайтиради; 4) ижтимоий суғурта хизматлари аҳоли фаровонлиги ва жамият барқарорлигини мустаҳкамлайди. Бу эса молиявий механизмнинг назарий асослари Ўзбекистон миллий амалиётида самарали қўлланилаётганини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон суғурта бозорини барқарор ривожлантириш ва уни замонавий халқаро стандартларга уйғунлаштириш мақсадида “молиявий механизм — элементлар — натижа” концептуал моделидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги босқичма-босқич амалий йўл харитаси таклиф этилади. Мазкур йўл харитаси назария ва амалиёт уйғунлигига асосланган ҳолда, ҳуқуқий-институционал ислохотлар, молиявий диверсификация, ташкилий механизмлар, рақамли технологиялар, ижтимоий интеграция ҳамда илмий асосланган сиёсат йўналишларини қамраб олади. Буларга:

биринчи босқич! ҳуқуқий-институционал асосларни мустаҳкамлаш – бу босқичда суғурта фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунчиликни халқаро стандартларга уйғунлаштириш устувор аҳамиятга эга. Жумладан, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш, миллий қайта суғурта компаниясининг ҳуқуқий мақомини ва ваколатларини аниқ белгилаш ҳамда давлат тиббий, таълим ва пенсия суғуртаси тизимини ҳуқуқий жиҳатдан йўлга қўйиш орқали бозорнинг барқарорлиги таъминланади. Кутиладиган натижа — норматив база орқали ҳуқуқий кафолатларнинг кучайиши ва институционал барқарорликнинг мустаҳкамланиши;

иккинчи босқич! молиявий инструментларни диверсификация қилиш – иккинчи босқичда суғурта хизматлари турларини кенгайтириш ва хавфларни диверсификация қилиш вазифаси қўйилади. Киберхавфлар, агросуғурта ва экологик хавфлар каби янги маҳсулотларни жорий этиш, миллий ва минтақавий реинсуранс пуллари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда резерв фондлари учун барқарор молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш орқали хавфларни қайта тақсимлаш имкониятлари оширилади. Натижада валюта чиқимлари қисқаради, миллий молия бозорида самарадорлик юксалади;

учинчи босқич! ташкилий-амалий ислохотлар – ушбу босқичда замонавий ташкилий моделлар жорий этилиши назарда тутилади. Электрон полислар ва ягона реестр тизимини кенг татбиқ этиш, корпоратив бошқарувни халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда брокерлик ва агентлик фаолиятида рақобат муҳитини кучайтириш орқали бозор шаффофлиги ва хизмат кўрсатиш сифати оширилади;

тўртинчи босқич! рақамли молиявий воситачиликни чуқурлаштириш – бу босқичда суғурта соҳасида рақамли экотизимни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. InsurTech стартапларини давлат грантлари ва хусусий инвестициялар орқали қўллаб-қувватлаш, блокчейн асосида “ақлли полислар” тизимини жорий этиш ҳамда сунъий интеллект орқали хавфларни баҳолаш ва прогноз қилиш платформаларини ишлаб чиқиш орқали суғурта хизматлари тезкор ва шаффоф тарзда амалга оширилади;

бешинчи босқич! ижтимоий интеграция ва молиявий саводхонлик – мазкур босқичда, ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида тиббий, таълим ва пенсия суғуртаси каби ижтимоий суғурта турларини жорий этиш зарур. Шунингдек, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида молиявий саводхонликни ошириш дастурлари ва жамоат

ташкilotлари билан ҳамкорликда профилактика ҳамда хабардорлик кампанияларини ташкил этиш орқали аҳоли фаровонлиги таъминланади;

олтинчи босқич! илмий асосланган сиёсат – сўнгги босқичда суғурта бозорини ривожлантириш жараёни тўлиқ илмий асосланган сиёсатга таянади. Жумладан, Ж. Шумпетер, М. Фридман, Ф. Модильяни – М. Миллер, К. Эрроу, Я. Тинберген ва Г. Марковиц каби иқтисодчи олимларнинг назарий концепцияларидан келиб чиқиб миллий стратегияларни ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва амалиётчи компаниялар ўртасида ҳамкорлик дастурларини ташкил этиш ҳамда илмий маслаҳат кенгашлари орқали ислохотларнинг самарадорлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилади. Бу жараён миллий суғурта сиёсатининг илмий асосланганлиги ва барқарорлигини таъминлайди.

Умуман, мазкур йўл харитаси суғурта хизматларини нафақат иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан, балки ижтимоий адолат ва молиявий барқарорлик тамойиллари асосида ривожлантиришга хизмат қилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, суғурта хизматларида **“молиявий механизм — элементлар — натижа”** концептуал модели асосида ишлаб чиқилган йўл харитаси миллий бозорни барқарор ривожлантириш, ҳуқуқий ва институционал асосларни мустаҳкамлаш, молиявий инструментларни диверсификация қилиш, ташкилий ва рақамли ислохотларни жорий этиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда илмий асосланган сиёсатни шакллантиришга хизмат қилади. Бу орқали суғурта хизматларининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги таъминланиб, аҳоли фаровонлиги, молиявий барқарорлик ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги юксалишига замин яратилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Arrow K. (1971) *Essays in the Theory of Risk-Bearing*. – Chicago: Markham Publishing, – P. 33–52.

Friedman M. (1963) *A Monetary History of the United States*. – Princeton: Princeton University Press, – P. 44–49.

Islamic Financial Services Board. (2020) *Takaful (Islamic Insurance) Core Principles*. – Kuala Lumpur.

Markowitz H. (1952) *Portfolio Selection*. – *Journal of Finance*, – Vol. 7, No. 1. – P. 77–91.

Modigliani F., Miller M. (1958) *The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment*. – *American Economic Review*, – P. 261–297.

Nordic Council of Ministers. (2021) *Social Insurance in Nordic Countries*. – Copenhagen.

OECD. (2022) *Health Policy Studies: Health Insurance Coverage in Japan and Korea*. – Paris: OECD Publishing.

PwC. *Insurance (2025): Redefining the Industry*. – New York, 2021.

Schumpeter J. (1934) *The Theory of Economic Development*. – Cambridge: Harvard University Press, – P. 112–118.

Swiss Re Institute. (2022) *World Insurance: The Growth Engine Steams Ahead*. – Zurich.

Tinbergen J. (1967) *Economic Policy: Principles and Design*. – Amsterdam: North-Holland, – P. 76–81.

World Bank. (2020) *Singapore Social Protection Review*. – Washington D.C.

Абдуллаев Р.Ф. (2020) Суғурта хизматларининг иқтисодий механизмдаги ўрни. – Тошкент: ТДИУ нашриёти, – Б. 70–76.

Абдурахмонов Қ.Х. (2019) Молия ва суғурта бозорини ривожлантиришнинг назарий асослари. – Тошкент: Иқтисод, – Б. 45–53.

Грязнова А.Г. (2001) *Финансовый менеджмент*. – Москва: Финансы и статистика, – С. 64–69.

Дробозина Л.А. (2000) *Финансы*. – Москва: Юрайт, – С. 98–105.

Ковалёв В.В. (2004) Финансовый анализ: Управление капиталом. – Москва: Финансы и статистика, – С. 145–152.

Қарор (2024) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарори ва 2024 йил 1 сентябрдан кучга кирган электрон полислар реестри ҳақидаги маълумотлар. – lex.uz; sbi.uz.

Қарор (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 майдаги ПФ-191-сон қарори. // president.uz

Қонун (2021) Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни // lex.uz.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 11.09.2023 й. – president.uz.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 11.09.2023 й.; ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури, 2024 й. – president.uz; lex.uz.

Фармон (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, – lex.uz.